

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ГУВОҲЛАРНИ СЎРОҚ ҚИЛИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Сафаров Хуршид Уринкулович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси.

АННОТАЦИЯ:

мақолада давлат харидлари соҳасидаги жиноят ишлари юзасидан сўроқ қилиш тартиби ҳақида сўз юритилиб, сўроқ қилишда алоҳида аҳамият бериладиган ҳолатлар ҳақида фикр билдирилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: давлат хариди, сўроқ, тергов ҳаракати.

Сўроқ қилиш – далил тўплашнинг жиноят ишини юритишда энг кенг тарқалган тергов ҳаракати бўлиб, бир шахсдан яъни, гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ва айбланувчидан оғзаки маълумотларни олиш ва мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилади¹. Шу сабабли терговчи томонидан сўроқ тергов ҳаракатини ўтказишдан олдин иш ҳужжатларини пухта ўрганиб, сўроқ қилинувчига бериладиган саволлар, сўроқ қилиш кетма-кетлигини белгилаб олган ҳолда сўроқ қилинувчи ишнинг қайси томонларини очиб бериши мумкинлигига қараб, сўроқ тергов ҳаракатига пухта тайёргарлик кўрган ҳолда ўтказилади.

Сўроқ тергов ҳаракатини ўтказиш жараёни сўроқ қилинувчи томонидан берилган кўрсатувларнинг аҳамиятида келиб чиқиб имкон қадар видеотасвирни қўллаган ҳолда амалга ошириш тавсия қилинади. Чунки келгусида сўроқ қилинган шахсни кўрсатувларини ўзгартириш, шунингдек терговчини сўроқ давомида тазйиқ ўтказиш орқали кўрсатувларни олгани ҳақидаги тухматона важлар келтирилса сўроқ қилинган шахснинг важларини инкор этиш учун муҳим ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Давлат харидлари соҳасидаги жиноят ишлари юзасидан гувоҳ ва жабрланувчи (фуқаровий давогар) Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 96-108, 114-121-моддалари тартибида сўроқ қилинади. Жинояти иши мураккаб ва кўп эпизодли бўлса жиноят ишини қўзғатиш билан бирга тергов гуруҳини тузиб, ҳар бир гуруҳ аъзоси иш йўналиши ва вазифаларини тўғри тақсимлаб олиниши иш самародорлигини ҳамда ижобий натижага эришишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Агар жиноят иши юзасидан гувоҳлар сони кўп бўлса, улар томонидан бериши мумкин бўлган маълумотлар, ишнинг эпизодларига кўра қайси бири биринчи навбатда, қайси бирлари кейинги навбатда сўроқ қилиниши белгилаб олинади.

¹ Д.Миразов Далилларни тўплаш усуллари. Жиноят-процессуал ҳуқуқи. Дарслик. У.А.Тухташева бошқа муаллифлар жамоаси. Тошкент давлат юридик университети. –Т. 66-б.

Бу тоифадаги жиноят ишлари бўйича гувоҳ ҳар хил шахслар бўлиши мумкин. Масалан, давлат харидлари юзасидан ўтказилган, танлов, тендер, аукцион, электрон дўкон ва тўғридан-тўғри тузиладиган шартномалардан асоссиз четлаштирилган, шартнома юзасидан муайян миқдорда ҳақ талаб қилинган, товарларни қиммат ёки кам миқдорда (ҳажмда), сифатсиз сотиб олинишида, шунингдек иш ва хизматларни бажарилмаганлиги, кам миқдорда ёки сифатсиз бажарилганига гувоҳ бўлган шахслар бўлиши мумкин. Бу тоифадаги шахсларни сўроқ қилишдан олдин улар билан психологик алоқа ўрнатиб, иш юзасидан тўғри кўрсатма бериш қонунан ва манавий бурчи эканлигини, тўғри кўрсатма берса айбдор шахслар томонидан унга нисбатан таъсирлар ўтказилмаслиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан унинг хавфсизлигини таъминлаш учун барча чоралар кўриши², жиноят ишининг материаллари ошкор қилинмаслиги, улар адвокат олиш ҳуқуқига эга эканлигини билдириб, барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш керак бўлади. Шунингдек Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 январдаги «Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ-515-сонли Қонунига³ асосан гувоҳ ва жабрланувчи ва бошқа иштирокчиларни ҳимоя қилиш учун хавфсизлик чоралари қўлланиши, зарур ҳолларда шахсига оид маълумотлар жиноят ишининг бошқа иштирокчиларига ошкор қилинмаслиги таъминланади.

Сўроқ қилиш тўлиқ ва кетма-кетликда амалга ошириш керак бўлади, чунки сўроқ орқали айбдор шахсларни доираси, уларни жиноят содир этиш механизм ва усулларини аниқлаб олиш мумкин.

Давлат харидлари соҳасидаги жиноят ишлари юзасидан сўроқ қилишда қуйидаги ҳолатларни аниқлаштириш керак:

— уларни давлат харидларида иштирок этишдан асоссиз кимлар четлаштирган ва бунинг сабаблари нималардан иборат?

— уларни давлат харидларида иштирок этишдан четлаштириш ҳисобига кимлар ғолиб деб топилган, ғолиб деб топилган шахсларнинг манфаатдор шахсларга алоқадорлиги мавжудми?

— давлатлар харидларида ғолиб деб топилган шахсларни (хўжалик юритувчи ва тадбиркорлик субъектини) давлат харидларини амалга оширувчи буюртмачиларга, давлат харидлари оператори ёки экспертлик ташкилотига қариндошлиги, алоқадорлиги ва яқинлиги мавжудми?

² А.Ш.Умархонов Одил судловга кўмаклашувчи шахсларнинг хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий чоралари. Юрид фан. ном. дис. автореф. –Т. 2004 й. 23 б.

³ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 январдаги «Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ-515-сонли Қонуни. Қонун ҳужжатлари миллий базаси, 15.01.2019 й., 03/19/515/2472-сон., Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 02683/0375-сон

- давлат харидларини амалга оширишга манфаатлар тўқнашуви⁴га йўл қуйилганми?
- давлат харидларининг буюртмачиси мулк етказиб берувчининг бенефициар мулкдори⁵ ҳисобланадими?
- давлат харидларининг иштирокчилари харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисининг аффилиланган шахси⁶ ҳисобланадими?
- кам миқдорда (ҳажмда) ва сифатсиз етказилган (бажарилган) товарларни (ишлар, хизматлар) кимлар етказиб берган, етказиб бериш шарт-шароити ҳақидаги маълумотлар;
- давлат харидлари электрон равишда биржа орқали амалга оширилган бўлса, қачон ва ким томонидан савдога қуйилган, савдога қуйишда товарлар (ишлар, хизматлар)ни техник тавсифи ва улар ҳақида аниқ маълумотлар қайд этилганми, давлат харидларининг айнан қайси турлари орқали амалга оширилган?
- биржа савдоларида бошқа иштирокчиларнинг иштирок этишига чеклов, ва тўсиқлар бўлганми, биржа савдолари қонуний амалга оширилганми ва шунга ўхшаш иш тафсилотидан келиб чиқиб саволлар қуйилади.

Давлат харидлари кўпчилик ҳолларда электрон равишда амалга оширилаётгани сабабли гувоҳларнинг кўрсатмалари орқали жинойтчилар томонидан янги кўринишда электрон техникалар орқали жинойтларни содир этилаётганини, уларни аниқлаш йўллари ҳақидаги ноёб маълумотларни қўлга киритиб, уларни қўшимча текшириш учун тезкор бўлинмаларга топшириқлар бериш мумкин. Бу каби тоифадаги гувоҳларни сўроқ қилишда терговчи ўзини димоғдор тутмасдан, гувоҳни ўзини эркин тутиши ва самимий кўрсатма беришига шароит яратиши керак.

Тафтишни ўтказган ёки текширувга жалб қилинган мутахассисларни сўроқ қилишда уларнинг функционал вазифа мажбуриятлари, иш юзасидан қандай текширувларни амалга оширганликлари, текширувда «Давлат харидлари тўғрисида»ги ва «Рақобат тўғрисида»ги Қонун, Монополияга қарши курашиш тўғрисидаги ва бошқа қонунчилик ҳужжатларини бузиш ҳолатлари аниқланганлиги, қонун ҳужжатларини бузилиши натижасида давлат манфаатларига зарар етказилганлиги, зарар қайси мансабдор шахслар томонидан етказилганлиги аниқлаш зарур. Шунингдек қайд этиш керакки, сўроқ давомида тафтиш ва текширувни ўтказган шахс тафтиш қароридан кўрсатилган фаолиятга кирмайдиган, бошқа фаолиятни текширмаганига аниқлик киритиш зарур

⁴ 22.04.2022 йилдаги «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуннинг 14 моддасига кўра, манфаатлар тўқнашуви бевосита ёки билвосита шахсий манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатадиган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда унинг шахсий манфаатдорлиги билан давлат харидлари субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келадиган ёхуд юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай вазиятдир, шунингдек аффилиланганликнинг мавжуд бўлишидир.

⁵ Шу ерда, бенефициар мулкдор – мулк ҳуқуқларига эгалик қиладиган ёки товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчини амалда назорат қиладиган жисмоний шахс.

⁶ Шу ерда, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисининг аффилиланган шахси – қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган ва (ёки) харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси томонидан қарорлар қабул қилишга таъсир кўрсатадиган, шу жумладан ёзма келишув асосида таъсир кўрсатадиган жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисига нисбатан шундай ҳуқуққа эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс.

бўлади. Чунки мутахассислар тафтиш доирасига кирмайдиган ҳолатларни текширган бўлса бундан ҳужжатлар келгусида номақбул деб топилишига олиб келиши мумкин. Хулоса ўрнида шуни билдириш мумкинки, гувоҳларни тўлиқ сўроқ қилиниши давлат харидлари соҳасидаги жиноят ишлари юзасидан кечиктириб бўлмайдиган ва келгуси тергов ҳаракатларини кетма-кетлигини тўғри белгилаб олишга ёрдам беради.

